

qiladi. Mazkur mashq yordamida o'quvchi jismining harakatchanligi, mustahkamligi, yengilligi, bosimlarning pasayishi, harakatlar va kechinmalarning mustaqilligini ta'minlash imkoniyati vujudga keladi. Mazkur mashqlar tarkibiga rolli o'yinlarni kiritish mumkin. "Men va mening nutqim" turkumidagi mashqlar o'quvchining nutqi, imo – ishoralari, pantomimikasini rivojlantirib, fikr ifodalash va muloqotga kirishishning so'z va nutqdan boshqa vositalari ham mavjudligini anglab yetish imkonini beradi. Mazkur yo'nalishda "So'zsiz qay tarzda muloqot qilish mumkin?", "Ko'zlarim nima deyapti?", "Nutq nima uchun kerak?", "Men telefonda suhbatlashdim" kabi mavzularda suhbatlar tashkil etish mumkin. "Men va kechinmalarim". Ushbu yo'nalishda o'quvchining his-tuyg'ulari bilan tanishish imkonini beradigan mashqlar va o'yinlar tashkil etish lozim. SHu asosda o'quvchilarda boshqalarning fikriga munosabat bildirish va o'z his – tuyg'ularini ifodalash ko'nikmalari tarkib topadi. Shu maqsadda o'quvchiga rasmlar chizdirish, o'z kayfiyatini bayon qilishga undovchi savollar berish talab etiladi. "Men va o'zim". Bunda boshlang'ich sinf o'quvchisining o'zi, his – tuyg'ulari, kechinmalariga nisbatan munosabatini shakllantirish nazarda tutiladi. Mazkur mashqlarni bajarish davomida bolani nafaqat che tilini o'rgatishga va nutqini o'stirishga balki o'z – o'ziga quyidagi savollar bilan murojaat qilishga undash lozim,

"Oyim, dadam, buvim va o'rtoqlarim meni nima uchun yaxshi ko'rishadi?", "Men qanday qizman?", "Men orasta qiz bo'lsam odamlar menga nima deydi?" kabi.

"Men va boshqalar" yo'nalishidagi pedagogik chora – tadbirlar, o'yinlar o'quvchining birgalikda ishlash, hamjihatlik, bag'rikenglik, jamoaviylik hissi, atrofdagilarning o'ziga xosliklarini tushunish, atrofdagilar va tengdoshlariga e'tibor bilan qarash, ularni tushunishga oid munosabatlarni shakllantirish imkonini beradi. Shu maqsadda o'qituvchilar turli xil didaktik o'yinlar va hamkorlikda ishlash shakllarini tanlashi va ta'lim – tarbiya jarayoniga tatbiq etishi lozim.

Xullas, ularning barchasi maktab yoshidagi o'quvchilar bilan muloqot jarayonida ularda do'stona munosabatlar, hamkorlik, muloqot ko'nikmalarini shakllantirishga innovatsion yondashuvlarni tatbiq etish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. M.G. Davletshin va boshqalar. Yosh davrlari va pedagogik texnologiya. T., 2004.
2. V. Karimova va boshqalar. Mustaqil fikrlash. T., "Sharq", 2000.

ТОШКЕНТДАГИ ОТ ЗАВОДЛАРИНИ РАВБАТЛАНТИРИШ ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА (1882-1914 йй)

З.Т.Тоғайев-
НавДПИ Тарих кафедраси ўқитувчиси

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда ўнлаб жамият ва уюшмалар вужудга келди. Жумладан, 1882 йилда "Тошкентда от заводларини рағбатлантириш Туркистон жамияти" ташкил этилиб, ушбу жамиятнинг асосчиси ва ташаббускори биринчи фахрли Президенти Туркистоннинг биринчи генерал губернатори А.П.Фон Кауфман бўлган.

Жамият бошқарувида фахрли президент (Туркистоннинг генерал губернатори); Президент (Сирдарё вилоят ҳарбий губернатори) вице-президент (ҳақиқий статский советник) ҳамда фахрли аъзолари (ҳарбий губернатор) дан иборат бўлган. Ушбу жамиятнинг Низоми 1882 йилда қабул қилинган бўлиб, унда зотдор отларни танлаш, кўпайтириш уларни парваришлаш, от мусобақалари, (асосан от лигаси) га тайёрлаш, от мусобақаларини уюштириш, мусобақа ғолибларини пул мукофотлари билан рағбатлантириш каби вазифалар белгиланган. "От заводларини рағбатлантириш Туркистон жамияти" (бундан кейин жамият) маркази Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ўз ҳисоб рақами ва маблағига, мусобақа майдонига, от урчитиб кўпайтириш корхонасига, шунингдек, отчилик соҳасидаги махсус хизматчиларига эга бўлган, Мазкур жамият фаолияти юзасидан ҳар йилнинг якунида ҳисобот тайёрланиб, от мусобақасининг келгуси йил учун баҳорги ва кузги дастури, мусобақа кунлари, мусобақа жойи, унда иштирок этадиган отлар тури, ёши, пойга ғолибларига қўйилган мукофот пулларининг миқдори (1,2,3 ўринлар учун) от эгалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Жамият фаолиятининг бир неча йиллик (1900,1902,1905,1907,1910,1911,1912 йиллар) ҳисобот ва дастурлари билан танишиш

асносида амин бўлиндики, от мусобақалари (пойгалари) да асосан қорабайир зотли 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган отлар иштирок этишган ва мусобақалар ғолиби бўлган. Мусобақада ғолиб бўлганлар учун ҳар бир от пойгасида 150 рублдан 600 рублгача пул мукофоти қўйилган.²⁴⁶

Жамият ҳисоботлари таҳлил этилганида, от мусобақасида иштирок этган отларнинг эгалари пойгачи отларнинг ҳар бири ўз лақабига эга бўлгани, улар ёши, аввалги мусобақаларда эришган ютуғи кабилар ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Жумладан 1911 йилги от пойгасида 34 та турли зотли отлар иштирок этиб улар орасида Игорь, Мухтор, Кўк айнур, Қоракаска, Жакерия, Моряк, Турк, Цезарь, Аламут, Флора, Кармень номлилари айниқса юқори натижаларга эришган.²⁴⁷

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, жамият ташкил этган от пойгаларида иштирок этган отларнинг ҳақиқий эгалари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, улар бадавлат кишилар эди. Бундай шахслардан бири Орифхожи Азиз Хўжанов отлари билан Сафархожи (Кўк айғир), Журабек (Қора айғир), Абдуқодир (Қора кўк); Шоназар (Саман сари), Абдурахмон (Қоратой) кабилар пойгаларда катнашишган.²⁴⁸ От пойгалари 2 чақирим (2 км) дан 25 чақиримгача текис йўл масофаларида уюштирилган. Бундай мусобақалар фахрли президент (генерал-губернатор); вице-президент, фахрли аъзолар мукофотларини олиш учун уюштирилган, 1911-1912 йилларда жамият азолари рўйхатининг бошида Бухоро амири турган сўнгра рус генералларининг исм-шарифи бирин-кетин келтирилган. Мусобақаларда амир отхонасидаги Қорабайир зотли отлар ҳам иштирок этган. 1911 йилда жамият фахрий аъзоларининг умумий сони 101 нафар бўлган. Булардан ташқари жамиятнинг ҳақиқий азолари 179 нафар бўлиб, рўйхат бошида Тошкентлик бой, савдогар Азиз Хўжа Ориф Хўжа исм-шарифи қайд қилинган. Бошқарувда оқсақол аъзолигига номзодлар, техник комиссия аъзолари тафтиш комиссияси аъзолари ва аъзоликка номзодлар, хазиначи ва котиб фаолият юритган. Мусобақа (пойга) ғолибларини тақдирлаш комиссияси ҳам сайланиб, улар пойга иштирокчиларининг ҳалол ва қоидага риоя қилишига маъсул бўлганлар ва ғолибларга мукофот топширган. Энг катта суммадаги мукофот пули фахрли президент мусобақаси муносабати билан қўйилган. 1911 йил 25 сентябрда кузги 25 чақирим масофага мўлжалланган от пойгасига ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Кавалерия генерали А.В.Самсонов мукофоти қўйилиб 500 рублни ташкил этган. Ушбу пойгада жамият аъзолари ва ҳарбий зобитлар ҳам иштирок қилганди. Ўша йили давлат от заводининг 200 рубллик пул мукофоти учун 6 чақирим масофага от пойгаси уюштирилган.²⁴⁹

Фаолияти таҳлил этилган мазкур жамият 1914 йилда яъни Биринчи жаҳон уруши бошланган даврда ҳам мавжуд бўлиб, чопқир, пойгабоп от турларини танлаш ва парваришlashда, маҳаллий ҳамда Европа миллати отсеварлар вакиллариининг соҳага янада қизиқишларида, ўзаро тажриба алмашишларида, аҳоли орасида от пойгаси тамошаси орқали маданий ҳордиқ чиқариш тадбирлари ўтказишда аҳамиятли бўлди.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ БИЛАН МЕҲНАТ БОЗОРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Турсунов Хасан Холмўминович-
СамДУ Магистранти**

Аннотация: Обосновывается необходимость соблюдения требований образовательной услуги и рынка труда, дается характеристика изменения отношения образовательных учреждений к объекту управления, который готовит кадры для цифровой экономики.

²⁴⁶ Отчеты Туркистанского общества поощрения коннизаводства за 1900, 1902, 1905, 1907, 1910, 1912 годы (Программы скачек соответствующим годам). Ташкент -1912; -С.но, 53, 54, 51, 52, 56. Ўзбекистон миллий кутубхонаси, инвентар рақами 69570.

²⁴⁷ Отчет общества за 1911 год. Ташкенту о лит. О.А.Порцева, Николаевская улица, соб 9.-1912.-С.39.

³ Ўша жойда – Б. 10.13

²⁴⁹ Отчет Туркистанского общества поощрения конназаводства за 1911 год (двадцат девятый год) и программа скачек на 1912 год; Ташкент-1912.-С.34-35